ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИККА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Р.Ҳ.МУРТАЗАЕВА

В статье освещена политика межнационального согласия и религиозной толерантности, неуклонно проводимой в Республике Узбекистан с приобретением независимости.

In this article was given the politics of international agreement and religion tolerance, steadfast in Republic of Uzbekistan by becoming independence.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида юртимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларда амалга оширилган туб ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, янги жамият барпо этишда босқичма-босқич ва изчил равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар амалда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, **миллатлараро тотувлик,** сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда дунёнинг йирик давлатлари ҳам тўқнаш келган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимиз эришаётган бундай муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

1997 йил 29 августдаги Қонун билан қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик Концепциясида** назарда тутилган ҳаётий муҳим миллий манфаатлардан бири сифатида миллатлараро, конфессияларо ва фуқаровий тотувликни таъминлаш эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги принципларидан бири миллатлараро ва конфессияларо тотувликни таъминлаш ҳисобланади.

1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг "Дўстлик" ордени таъсис этилган бўлиб, бу олий мукофот билан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантирганликлари учун" мукофотланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, Конституциямизнинг **8-моддасида** Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2004 йил 1 мартдаги Қарори билан Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланган.**

Низомга асосан вояга етмаган шахсларни уларнинг иродасига, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлар)нинг хоҳишига хилоф равишда ўқитишга, таълим жараёнида уруш, зўравонлик, прозелитизм ва ҳар қандай миссионерлик фаолияти тарғиб қилинишига, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тотувлик бузилишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий бойликлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик лицензия олиш талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида фаолиятни мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлодни миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшовчи ҳар хил миллатлар ва элатлар вакилларининг маданий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишига кўмаклашиш, миллий маданият марказларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 апрелдаги **Республика байналмилал маданият марказининг фаолияти масалалари тўғрисидаги** Қарорига асосан Республика байналмилал маданият маркази тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири ҳамда унинг тузилмаси тасдиқланди.

Республика байналмилал маданият маркази миллатлараро муносабатлар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар хил миллатлар ва элатлар вакилларининг тотувлиги ва ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг ўзига хос маданиятлари ва маънавий қадриятларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда давлат органларига ва жамоат таш-

килотларига кўмаклашувчи мустақил муассаса ҳисобланади.

Республика байналмилал маданият маркази тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари билан биргаликда:

миллатлараро муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишида қатнашиш;

миллатлараро тотувлик принциплари қарор топишига йўналтирилган ижтимоий ташаббусларни рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш;

давлат органларида маданият марказларининг манфаатларини ифодалаш, Низомда қайд этилган вазифаларнинг амалга оширилиши масалалари бўйича улар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар хил миллатлар ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш ва ривожлантириш;

турдош хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилишида маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ушбу масалада уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, миллатлараро муносабатларни тартибга солишга тааллуқли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар маълумотлари банкини барпо этиш;

миллатлараро муносабатлар масалаларига тегишли қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда иштирок этиш;

маданият марказларига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

адлия органларидан рўйхатдан ўтишда маданият марказлари томонидан киритиладиган ҳужжатлар юзасидан хулосалар тайёрлаш;

жамоат ташкилотларига миллатлараро тотувликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар хил миллатлар ва элатлар вакилларининг маданияти ва маънавий қадриятларини ривожлантириш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда ташкилий, ҳуқуқий, методик ёрдам кўрсатиш, конференциялар, семинарлар ва “давра суҳбатлари” ташкил этиш;

ҳар хил миллатлар ва элатлар вакилларининг маданий эҳтиёжларини қондиришга, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган телерадио кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрлашда, китоблар, рисолалар, маълумотномалар, проспектлар, буклетлар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турларини тайёрлашда қатнашиш марказ вазифаларидан ҳисобланади.

1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат. Таъкидлаш лозимки, ушбу Қонун миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдаги муҳим қонунлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Конституция билан кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлиги, миллатлараро тотувлик ва диний тенгликни таъминлаш сиёсати юритилмоқда. **1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Агар** 1990 йилда республикамизда 200 га яқин диний ташкилот фаолият кўрсатган бўлса, мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан ҳозирга қадар 2000 дан ортиқ диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтди. Улар орасида 160 та христианлик ташкилоти, 8 та яҳудийлар жамияти, 6 та баҳоийлар жамияти, кришначилар ва буддавий ибодатхонаси каби Ўзбекистон учун анъанавий бўлмаган 176 та ташкилот ҳам бор.

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат. Таъкидлаш лозимки, ушбу Қонун миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдаги муҳим қонунлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда олиб борилаётган оқилона давлат сиёсати натижасида Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик асосида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилмоқда.

Ёшларимизга мактаб ва олий ўқув юртларида саккиз тилда таълим олиш имконияти яратилган. Кўпгина тилларда газеталар чоп этилаяпти, кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири миллатлараро тотувлик ғоясини ёшларга сингдиришдир. Бу соҳада таълим муассасалари ўқув жараёнига киритилган “Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш тамойилларини, халқимизнинг мустаҳкам давлат қуришга йўналтирилган мақсадларини, миллий

истиқлол ғоясининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш бугунги кунниг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини, бу ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, шунингдек, таълим-тарбия беришда муҳим эканлигини англашимиз, билишимиз лозим.

Чунки бугунги ўқитувчи зиммасига миллий истиқлол ғоясини ёшлар онги ва қалбига сингдириш орқали фан ва техникани, миллий маданиятни юксалтириш, умумбашарий қадриятларга мувофиқ юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш юкланган. Миллий истиқлол ғоясини чуқур ва ҳар томонлама англаш, сиёсий маданиятни юксалтириш ўқитувчининг тарбиячилик фаолияти самарали бўлишини таъминлайди. Шу сабабли ҳам, аввало, ўқитувчиларнинг ўзлари миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини, унинг тамойилларини, асосий муаммоларини ўзлаштириб олган бўлишлари шарт.

Хусусан, миллатлараро тотувлик ғояси. Барчамизга маълумки, сўнгги ўн беш-йигирма йил ичидада ер юзидаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро ҳамкорликда яшаши ҳаётий заруриятга айлангани тобора очиқ намоён бўлмоқда. Бу жараён, бир томондан, миллат ва халқларнинг бир-бирига янада яқинлашишига, ўзаро ҳамкорликда ишлашига ишончнинг ортиб боришига, иккинчи томондан, тоталитар тузумнинг батамом тугашига, суверен давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Тарихий жараённинг ривожланишидаги бундай ҳолатлар ўзликни англаш билан бирга давлатлараро муносабатларда тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз элимизнинг тинч ва осойишта яшашини таъминлашнинг бирдан-бир шарти сифатида миллатлараро тотувлик ғоясини ёқлаб чиққан ва уни амалга ошириш усул ва йўлларини аниқ кўрсатиб берган эдилар.

Шунингдек, миллатлараро тотувлик ғояси Президентимиз томонидан миллий истиқлол ғоясининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик каби асосий тушунчалар билан боғлик ҳолда доимо ойдинлаштириб келинмоқда. Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойда тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат-элатларга мансуб кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир [2.59].

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди, юздан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Бундай шароитда миллатлараро тотувлик, инсониятнинг ривожланиши контекстида олиб қаралганда ҳам, энг зарур омил бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирда авж олган глобаллашув жараёнлари ва у белгилаган жаҳон халқлари ижтимоий турмушининг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, бағрикенглик (толерантлик) каби тушунчаларнинг муқаддаслигини, қадр-қимматини янада очиқ намоён этмоқда. Буни ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланишда бироз илгарилаб кетган халқларнинг тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Шуни яхши англаш лозимки, кўп миллатли жамиятларда миллатлараро тотувлик ривожланишга кучли таъсир этади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари: “Бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошка миллатнинг ёки бошқа халқлар вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакилларининг бошқаларга такаббурлик билан менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим”,- дея қатъий таъкидлайдилар [1.74].

Юқоридагилардан маълум бўлиб турибдики, юртимизда миллатлараро муносабатларга тегишли назарий ва амалий жараёнлар ўз ечимини топган. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида юртимиз фуқароларининг жинси, ирқи, миллати, тили ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар тенглиги мустаҳкамланган. Хулоса шуки, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликка қаратилган давлат сиёсати мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш гаровидир. Шунга кўра, ушбу эзгу ғояларни ёшлар онгига сингдириш нафақат ўқитувчиларнинг, балки ўзини зиёли деб билган барчанинг муқаддас бурчидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т., 2000

Ўзбекистон миллий университети
2011 йил 29 июнда қабул қилинган